

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МОБИЛ ЛОЙИХАЛАШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
МАСАЛАЛАРИ

Хайруллаева Мохичехра

Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва Дизайн институти
2-босқич МПЭКТ йўналиши талабаси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10444500>

“Ҳозирги замон шароитларида дунё илм-фан ҳамда инновацион фаолият ютуқларининг кенг қўлланилиши жамият ҳамда мамлакат ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини жўшқин ва барқарор ривожлантириши, мамлакатнинг муносиб келажагини қуришининг энг муҳим омили бўлиб бормоқда”

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М. Мирзиёев

Аннотация. Мазкур мақолада музейлар фаолиятида мобил лойиҳалашни жорий этиш масалалари ёритиб берилган. Мақола давомида асосли фикр ва мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: музейлар фаолияти, мобил лойиҳалашни жорий этиш, эстетика ва маданият.

ISSUES OF IMPLEMENTATION OF MOBILE DESIGN IN MUSEUM ACTIVITIES

Abstract. This article describes the issues of introducing mobile design in the activities of museums. Reasonable opinions and comments are mentioned throughout the article.

Keywords: museum activity, introduction of mobile design, aesthetics and culture.

ВОПРОСЫ РЕАЛИЗАЦИИ МОБИЛЬНОГО ДИЗАЙНА В МУЗЕЙНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы внедрения мобильного дизайна в деятельность музеев. Аргументированные мнения и комментарии упоминаются на протяжении всей статьи.

Ключевые слова: музейная деятельность, внедрение мобильного дизайна, эстетика и культура.

Маънавий етуклик, санъат, эстетика ва маданият равнақига хизмат қилишга чақирилган оммавий коммуникацияларнинг ривожланиши маданий бойликнинг объекти ҳамда унинг энг сўнгги истеъмолчиси – томошабин ўртасидаги диалогни енгиллаштиради. Бизлар Интернет даврида яшамокдамиз. Глобал тармоқ, умуман маданий ҳаёт ва хусусан маданият муассасалари ҳаётнинг муҳим қисмига айланди. Музейлар аста-секинлик билан бу жараёнга кириб бормоқда.

21-аср – юқори технологиялар асридир. Замонавий компьютер-ахборот технологиялар мана 20 йилдан бери музей фаолиятида жорий қилинмоқда. Музей, давлат унга ишониб топширган тўпламларни нафақат сақлаш, ўрганиш ва ҳисобини олиб бориши, балки, уларни ташриф буюрувчиларга намойиш қилиши лозим. Шунинг учун, ҳозирги вақтда музейлар

фаолиятида янги ахборот ва мультимедиа технологияларни қўллаш ҳамда жорий қилиш лозим¹.

Ахборот технологиясининг мақсади – инсон таҳлил қилиши ва унинг асосида қандайдир ҳаракатни бажариш бўйича қарор қабул қилиши учун маълумот ишлаб чиқаришдир. Битта моддий ресурсга нисбатан турли технологияларни қўллаб, турли хил маҳсулот, буюмларни ҳосил қилиш мумкин. Худди шу нарса маълумотларни қайта ишлаш технологиялари учун ҳам таалукдир².

Мультимедиа тизимлари – бу инсон ва машина мулоқоти тизимлари бўлиб, бундай тизимларнинг ҳар бири иккита қисмдан иборат: инсон (оператор ёки фойдаланувчи) ва машина.

Мультимедиа – бу замонавий техник ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда, интерфаол дастурий таъминот бошчилиги остида визуал ҳамда аудио эффектларнинг ўзаро алоқаси бўлиб, улар матн, оҳанг, графика, фотосурат, видеони битта рақамли тасвирда бирлаштиради³.

Мультимедиа тизимларининг ажралиб турадиган белгилари қуйидагилардан иборат: битта дастурий маҳсулотда турли хил кўринишдаги маълумотлар бирлиги: анъанавий (матн, жадваллар, иллюстрациялар) ва ноанъанавий (нутқ, музика, видеофильм парчалари ва б.) ҳамда компьютер таркибида турли кўринишдаги маълумотлар билан ишлашга мўлжалланган ўзига хос мосламаларнинг (микрофон, аудио-тизим, музикаий марказ, видеоманитон, рақамли видеокамера, электрон музикаий асбоблар ва б.) мавжудлиги.

Мультимедиянинг қўлланилиши янги маълумот манбалари – электрон китоблар, мобил иловалар, музей ва туристик йўлқўрсаткичлар, сабоқ, маслаҳат берувчи диагностик марказлар, реклама роликлари ва б. пайдо бўлишига олиб келди⁴.

Техник тараққиёт ва тасвирларни қайта ишлашнинг замонавий технологиялари кўп музейларга тасвирларнинг маълумотлар базасини шакллантиришга имкон яратди. Компьютер технологиялари музей соҳасида информацион инкилобни келтириб чиқарди. Ҳаммага маълумки, музейлар ўртача 5-10% дан кўп бўлмаган тўпламларни экспонатлаштиради. Қолган бойликлар эса фондларда сақланади. Компьютер информацион тизимлар туфайли, бу информацион материал мутахассислар ўрганиши учун очик бўлади⁵.

Компьютер технологиялари музей фаолиятининг бошқа турли хил йўналишларида шиддат билан жорий қилинмоқда: бунга реставрацион жараёнлар, музей экспозициялари ҳамда кўргазмаларининг макетлари ва болалар учун таълим дастурларини тайёрлаш киради. Компьютер ҳамда мобил тизимлар ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш учун муваффақият билан қўлланилмоқда. Бу тизимлар ёрдамида ҳар қандай истовчи музейлар,

¹ Межевич Н.М., Костюк Е.С.. Некоторые мировые тенденции в области развития образования // Экономика Северо-Запада: проблемы и перспективы развития. — 2008. -№ 1(35).

² Зайцева П.В., Жук Н.П.. Понятие «сеть» и роль сетевых форм организации в условиях глобализации // Экономика Северо-Запада: проблемы и перспективы развития. — 2010. — № 1(41).

³ Дворецкая, А.В. Основные типы компьютерных технологий/ А.В. Дворецкая// Школьные технологии. — 2004. — № 3 — с. 201

⁴ Бордовский, Г.А. Информатика в понятиях и терминах/ Г.А. Бордовский, В.А. Извозчиков. — М: Просвещение, 1991. — с. 235

⁵ Смирнова Т. А. . Цифровые технологии в экспозиционном пространстве музея: современные тенденции и перспективы - 2010

кўргазма заллари ёки галереяларни бориб кўришга чипталарни банд қилиб қўйиши мумкин. Дунё ахборот тизими ИНТЕРНЕТнинг шиддат билан ривожланиб бораётгани, шакл-шубҳасиз, музейларни ҳам унинг ноёб имкониятларидан фойдаланишга мажбур қилмоқда⁶.

Замонавий музей олдида турган вазифа – бу Интернетда фақатгина сайт яратиш эмас, балки, аста-секинлик билан талабларга тўла жавоб берадиган, сифатли ва мукаммал виртуал музей, яъни мобил иловани тузишдан иборат. Улар ўртасидаги асосий тафовут – тескари алоқада: яъни анъанавий музей сайти – бу фақат музей маълумотларини олға суриш учун техник воситадир, виртуал музей ҳамда мобил илова эса ҳақиқий музейнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатишга, музей фаолиятини қайтадан англашга ёрдам беришга қодир.

Сўнгги йилларда замонавий технологиялар дунёси етарли даражада тез ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, ҳар бир инсон оддий персонал компьютердан ташқари смартфон, планшет, mp3-плеер ва ҳ.к. каби бир талай турли гаджетларга эга⁷.

Ҳозирги замон шароитида мобил мосламаларнинг оммабоплигига ортиқча баҳо бериш қийин. Агар, илгари, компьютер интернетга уланиш функцияси мавжуд бўлган ягона мослама бўлган бўлса, айни пайтда эса танлаш имконияти анча кенгайди, энди мобил телефон, ён персонал компьютер, планшетли компьютер ва шунга ўхшаш мосламалар ёрдамида интернетдан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Йилдан-йилга стол компьютерлари ва ноутбукларнинг сотув ҳажми ҳеч ўзгаришсиз пасайиб бораётган бир вақтда, мобил мосламалар бозори жуда тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Планшетли компьютерлар ва ақлли телефонлар сотуви йил сайин ошишда давом этмоқда, бироқ, шу билан бирга, уларнинг мобил мосламаларнинг умумий сонидagi миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Бу тенденция мобил медиаларни ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш тузилишининг ўзини ўзгариши кўрсаткичидир. Бу эса кўпгина ташкилотларнинг мобил бозорига бўлган қизиқишини ошишига сабаб бўлади.

Битта мобил телефон жуда кўп мосламаларнинг ўрнини босади: плеер, навигатор, диктофон, фотоаппарат ва видеокамера, электрон китоб – буларнинг бари битта мосламада жойлашган бўлади. Бироқ, ўрнатилган кўп вазифалилик функциясидан ташқари, шунга ўхшаш аппаратларнинг функционали юклаб олиш мумкин бўлган иловалар воситасида анча кенгайди. Илова, ишлаб чиқарилаётган пайтда мобил мосламага ўрнатилиши мумкин. Бироқ, фойдаланувчининг ўзи ҳам илова ва дастурий таъминотларни тарқатувчи турли хил сервислардан уни юклаб олиш имкониятига эга. Мобил мосламаларнинг функционалиги ҳамда самарадорлиги махсус иловаларсиз бундай юқори даражага етмаган бўларди⁸.

Дунёнинг барча нуқталарида ҳар бир инсон одамлар билан мулоқот қилиш, почтасини текшириш, ўйинлар оламига шўнғиш ва ҳ.к. имкониятига эга. Мобил илова – бу фойдаланувчи томонидан, одатда, иловалар (AppStore, Google Play) бозори (порталлар, магазинлар, маркетплейслар) орқали мобил мосламага ўрнатиловчи махсус пакетдир. Илова, веб-сайт билан ўхшашлиги асосида Интернетдан келиб тушадиган тўлдиришлар

⁶ Ноль Л.Я. Информационные технологии в деятельности музея. /Л.Я. Ноль// - М. – 2007.

⁷ М. Нойбург. Программирование для iOS 7. ОсновыObjective-C, Xcode и Cocoa.2014г.

⁸ Я. Нильсен, Р.Будиу. Как создавать идеально удобные приложения для мобильных устройств. 2013г.

билан ишлаши ёки Интернетга уланмасдан туриб ишлашга қодир контентни юклаб олиши мумкин⁹.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳоли турмуш тарзининг фаровонлиги ва сифатини тубдан яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал суръатлар билан ривожлантириш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ҳаётнинг барча жабҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгиланган¹⁰.

Бошқача қилиб айтганда, бизнинг олдимизда Ўзбекистонни ишлаб чиқаришга юқори улушли инновацион ва интеллектуал ҳисса қўшадиган, барқарор бозор иқтисодиётига ҳамда қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитига эга, глобал саноат бозорида замонавий ҳамда рақобатбардош, жўшқин суръатлар билан ривожланаётган давлатга айлантириш вазифаси турибди.

Инновация – ишлаб чиқариш тизими самарадорлиги ёки маҳсулот сифатини янада ошишини таъминловчи, фан ва илм тартиб-аждоғи ютуқларидан фойдаланишга асосланган, техника, технология ҳамда ишни ташкил этиш ёки бошқарув соҳасидаги янгиликдир (янги киритилган тартиб-қоида)¹¹.

Коммуникация, ахборот ҳамда билим – ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга кўмаклашувчи тараққиётнинг ҳаракатланувчи кучларидир. АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари), уларнинг ҳоҳ анъанавий ёки замонавий шакллари бўлсин, улар бутун дунёда одамларга ривожланишнинг янги ва мустақкам имкониятларини беради. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатлар, аввалам бор, энг кам ривожланган давлатлар ахборот ва ахборот алмашинуvidан фойдалана олиш ҳуқуқига эга эмас. Бу эса, уларни узоқ муддатли ва барқарор ривожланиш истикболидан маҳрум қилади.

ЮНЕСКОнинг коммуникациялар ва ахборот соҳасидаги бутун фаолияти ҳозирда тараққий этган ҳамда ривожланаётган давлатлар ўртасидаги мавжуд рақамли тафавутни қисқартиришга қақирилган. Илмга эга жамиятни қуриш ва рақамли технологиялар соҳасидаги тафавутни қисқартириш йўлида Ташкилот инсон омилига урғу беради: ахборотнинг маданий ва тилининг турли-туманлиги, жамият уни қўллаш ҳуқуқига эга бўлиши ва фойдаланиши¹².

Замонавий музей – бу ўтмиш билан келажакни боғловчи кўприк бўлиб, унинг ривожланиши замонавий технологияларга таянган ҳолда вақт билан ҳамнафас бўлиши лозим. Ва ҳар қандай музейнинг ўзаги, асоси – бу унинг тўпламидир. Идеалда у ахборот ва маданий-ҳордиқ йўналишни ўз ичига олган кучли инфратузилма билан ўралган бўлиши лозим. Музейлар учун ҳозирда қўлланилаётган янги технологиялар экспозицияни ўрганиш чоғида ҳар қандай ташриф буюрувчи тақдим этилган экспозициянинг талқинини олиш эмас, балки, максимал даражада қулай шароитларда у билан мулоқот қилишнинг шахсий тажрибасига эга бўлишга қаратилган.

⁹ А. Аллан. Программирование для мобильных устройств на iOS. 2013г.

¹⁰ УКАЗ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН от 7 февраля 2017 года № УП-4947

¹¹ Ковалев Г. Д. Инновационные коммуникации: Учебное посо-бие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.

¹² <http://www.unesco.org/new/ru/tashkent/communication-information/>.

Етакчи ўзбек тематик тўпламлар маркази ҳорижий ўтмишдошларнинг намуналарига риоя қилган ҳолда, янги технологияларни фаол жорий қилмоқда. Ўзбекистон давлат геология музейида қўлланилган техник янгиликлар бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Ушбу мобил илова маълумотлар базаси билан офлайн режимда ишлаш учун мўлжалланган. Иловани яратишда «Cordova Phonegap» технологияси қўлланилган. Мобил иловада энг аҳамиятли экспонатларнинг номлари, муаллифлари, қисқача тавсифи, фотосурати, бўлими ва турган жойи (ўрни) учта тилда (ўзбекча, русча, инглизча) берилган¹³.

Бундан ташқари, иловада экспозицияларнинг иш тартиби, музейнинг тарихи ва алоқа маълумотларини билиб олиш, шунингдек, музей заллари бўйлаб виртуал саёҳат қилиш имконияти мавжуд.

QR ёрдамида экспонатларни топиш ҳамда товушли матнларни рус ва инглиз тилида тинглаш мумкин.

Мобил иловаларни музейларнинг расмий сайтларидан юклаб олиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон музейлари жамоат ҳаётида фаол иштирок этмоқда ҳамда ижтимоий, маданий ва маънавий тараққиётга ўз ҳиссаларини қўшишга интилмоқда. Улар миллий бойликни сақлаш эзгу ишига хизмат қилар экан, ўсиб келаётган ёш авлодда ўз ўтмиши учун ҳурмат ва фахр ҳиссини тарбиялаб, прогрессив ва инновацион технологияларни жорий қилган ҳолда, ҳақиқий маданий марказларга айланишди.

Узоқ вақт ўз аудиториясини шакллантиришга уриниш музейлар учун хос бўлмаган, негаки, у ёки бу музейга бориш-бормасликни томошабинларнинг ўзлари хал қилган. Замонавий вазият шароитларида эса янги ижтимоий эҳтиёжлар музейнинг ижтимоий функциялари доирасини кенгайтириш ҳамда уларни амалга оширишнинг актуал шакллари ва усулларини излаш заруратини юзага келтиради. Музейнинг социомаданий институт сифатида ўзига хос хусусияти ҳамда унинг жамиятдаги ўрнини сифат жиҳатдан замонавий англаш шаклланмоқда.

Музей, ўз навбатида, ривожланишнинг мумкин бўлган адекват (мос) йўллари, глобал демократлаштиришни ҳисобга олган ҳолда эса, бир вақтнинг ўзида, унга, ўзининг ўзлигини сақлаш ҳамда истеъмолчи жамият эҳтиёжларини қондириш имкониятини берувчи йўллари топишга уринмоқда.

Ўзининг янги ролига мувофиқ, музейлар, ҳаммабоплик концепциясини оммавийлик гоёсига айлантирган ҳолда, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мажбурдирлар. Музейнинг кундалик эҳтиёжларга бўлган қизиқишининг ошиши сабабли, маънавий ва интеллектуал соҳалар иккинчи ўринга тушиб қолмоқда, бу эса, музейни маърифат муассасаси сифатида англашга (баҳолашга) путур етказиб, мос равишда, ташриф буюрувчининг билим орттириш тажрибаси, шахсий улғайиши ҳамда ўзини ўзи тартибга солишига таҳдид солмоқда. Ўзини “ҳар ким ва барча учун” институт деб эълон қилиб, музей “барча” ни ўзи кимлар эканлигини охиригача англаб етмай, борган сари бевосита “ҳар ким” дан узоқлашиб бормоқда.

Ташриф буюрувчиларнинг кўпчилиги ўз музейга оид билимлари билан бўлишиш учун музейларга бир ўзлари эмас, балки, оиласи ёки дўстлари билан ташриф буюрадилар.

¹³ www.artmuseum.com

Бу тенденцияга асосланиб индивидуал ташриф буюрувчи билан ўзаро алоқа ҳамда таълим назариялари ривожлантирилади, унинг асосида эса ўзаро ҳамкорлик ётади. Шундай экан, музейдаги дастурлар, жой ва майдонлар шундай ишлаб чиқилган бўлиши керакки, улар ташриф буюрувчилар ўртасида диалог-мулоқот ўрнатилишига ёрдам бериши, шунингдек, аудиториянинг эътиборини ташқи объект ва мақсадларга жамлаган ҳолда, қулай (одатий) муҳитни яратишга ориентирланган бўлиши лозим. Бундан келиб чиқмоқдаки, ғарб музейшунослик тафаккурида кўп гапирилаётган “тажриба” ни қидириб, кундалик ташвишлардан яширинишга уринган ўша камёб индивидуал ташриф буюрувчи музейга келар экан, ўша-ўша воқелик, одатийликка (кундалик ҳаётга) тўқнаш келади. Оммавий аудиторияга ишлар экан, музей инсонни ёлғизликка эришишига ёки уни енгишига ёрдам беришни ўзига мақсад қилмайди, негаки, уни замонавий ташриф буюрувчи-томошабинга зарур хиссиётлар, чунончи: ғурур, қаноатланиш, қувонч, завқ билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Психологик қулайлик доирасидан ташқаридаги ёлғизлик – ўзига хос синовдир. Атрофдаги беҳаловатлик, узлуксиз коммуникациядан ажралиб қолиш – замонавий жамиятнинг энг кучли қўрқувларидан биридир. Бироқ, ёлғизлик ҳақиқатга эришиш ва ўзлигини англашнинг усулларида бири сифатида баҳоланса, унда ҳозирги замон ҳақиқатларида, инсон, қаерда ўзининг ёлғизликка бўлган ички эҳтиёжларини қондириши ёки ушбу эҳтиёж пайдо бўлиши ва шаклланиши мумкин бўлган жойни топиши мумкин деган савол туғилади. Ўз вақтида музейлар, боғлар ва кутубхоналар маданиятнинг шундай элементлари бўлган. Аммо, ҳозирги кунда, кутубхоналар яққол инқирозни бошидан кечиришмоқда, катта шаҳарлардаги классик боғли худудлар эса кам қолган бўлиб, уларнинг катта қисми ободонлаштирилиб бўлган (замонавий инфратузилмага эга), ушбу вазифанинг катта қисми музейларга юкланади. “Музей ташқи дунёга нисбатан ўзининг индивидуаллигини англаши мумкин бўлган камёб жойлардан бири бўлиб, у ердан инсон ўзининг очилган ички “мен”и ёки ўзининг янги ички “мен”и билан чиқиши мумкин”.

Шуни хулоса қилиш мумкинки, музей, маданий муассаса сифатида “инсонни унинг илоҳий қисматига, фақатгина ёлғизликда ва мустақил равишда қилинадиган қаҳрамонлик изланишларга қаратадиган (йўналтирадиган)” ноёб жойдир. Лекин бу, ҳали, музей инсонни экзистенциал қўрқувга солиб, у учун қулай бўлган муҳитдан зўравонлик билан суғориб олиши керак дегани эмас, бу ғоя ўзи бошидан беъмани, ҳақиқий ёлғизлик – бу ихтиёрий, шахсий танловдир, акси ҳолда у мақсадсиз бўлиб қолади. Гап, асло, музей маконида ёлғизликни расм қилиш, тарғиб ёки сингдириш ҳақида кетмоқда эмас, музейнинг энг муҳим ва асосий вазифаси –ўз маконида ёлғизлик, уни излаётган инсонда ўзини амалга ошириши мумкин бўлган жойни сақлаган ҳолда ушбу танлов ҳуқуқини ташриф буюрувчининг ўзига қолдиришдир, хусусан, танлаш эркинлиги замонавий музей ривожланаётган ва замонавийлашаётган демократик кўринишларига мукамал равишда мос тушади.

REFERENCES

1. Смирнова Т.А. Цифровые технологии в экспозиционном пространстве музея: современные тенденции и перспективы - 2010
2. Современные музейные технологии // Справочник руководителя учреждения культуры. – 2004 Знаменский

3. А.В. Модернизация музейной деятельности / А.В. Знаменский // Справочник руководителя учреждения культуры. – 2003
4. Калинина Л.Л. и др. Информационное пространство музея / Л.Л. Калинина, И.В. Пролеткин, М.Е. Шпак. – 2006, № 12. – С.83-88
5. Ноль Л.Я. Информационные технологии в деятельности музея. /Л.Я. Ноль// - М. – 2007.
6. Технология мультимедиа: возможности и реалии /А.В. Лебедев// – М. – 1999. Пономарев.



MODERN SCIENCE
& RESEARCH